


САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И
1-1404-2501/164

2026 йил апрель ойининг 7 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси З.Ибрагимов, ҳайъат судьялари О.Набиев ва Ҳ.Ярашовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Асадовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Р.Холмуродов, судланган Хххнинг ҳимоячиси – адвокат А.Аширбаевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукмига асосан судланган



нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган Ххх томонидан келтирилган шикоятга асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Хххга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 3 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони манзил колонияларда ўтатиш белгиланган.

ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазоларни алоҳида ижрога қаратиш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ххх 2025 йил 18 июль куни соат 01:³⁰да бошқарувида бўлган техник жиҳатдан соз ҳолдаги “Кобальт” русумли, 01 Д 324 КС давлат рақамли автотранспорт воситасини Каттақўрғон туман “Полвонтепа” маҳалласи ҳудудидан ўтган “Бухоро” кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларини 11-бандидаги “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга



ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши, 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши” деб кўрсатилган талабларини амал қилмасдан автомашинани бепарволик оқибатида бошқарганлиги сабабли йўлни ўзига нисбатан чап томонидан ўнг томонига пиёда ҳаракатланиб ўтаётган И.Рузиевни машинасини ўнг олд томони билан уриб юбориб йўл транспорт ҳодисасини содир қилган, натижада И.Рузиев оғир тан жароҳати олиб шифохонага олиб келинган, унга кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан И.Рузиев 2025 йил 29 июль куни Каттакўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимида олган тан жароҳатлари оқибатида вафот этган.

Каттакўрғон шаҳар суд тиббий экспертиза бўлинимасининг 2025 йил 29 августдаги 19-сонли мурдага оид суд тиббий хулосасида, марҳум И.Рузиевни ўлими, бош мия пардалари остига қон қуйилиши, бош миянинг оғир даражали лат ейиши, иккала томонлама кўплаб қовурғаларни синиши, ички қон кетиш билан кечган ингичка ичак йиртилиши кўринишидаги ифодаланган бош, кўкрак қафаси ҳамда қорин аъзоларининг қўшма шикастидан келиб чиққан, дастлабки ўлим белгиларининг тананинг совиши, терининг куриши, мушаклар қотишининг ривожланиши, мурда доғларини пайдо бўлиши динамикасининг ривожланишига кўра унинг ўлиmidан то суд тиббий текширувга қадар олти соатдан кўр ўн икки соатдан кам бўлмаган муддатда вақт ўтганлиги, суд тиббий текширув вақтида И.Рузиевнинг танасида, яъни пешона ўнг тирсак буғими, ўнг билак, ўнг билак қафт буғими, ўнг қул қафт, ўнг ёнбош, ўнг болдир соҳаларида шилинмалар, ўнг катта ва кичик суякларини ўрта учлигидан ёпиқ синиши бош терисига кўкрак мушакларига плевра варақаларига, ўпка тўқимасига, жигар боғламаларига, ичак тутқичларига қон қуйилишлар, иккала томондан кўплаб қовурғаларни синиши, ингичка ичак йиртилиши, бош мия пардаларига қон қуйилиши, бош миянинг оғир даражали лат ейиши каби жароҳатлар мавжудлиги аниқланди, улар унинг ҳаётлик пайтида ўлиmidан қисқа вақтлар олдин ўтмасдан қаттиқ жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда, ҳаракатда бўлган автомашинани ташқи бўртиб чиққан қисмларини танага урилиши танани автомашина капотига йиқилиб отилиб кетиб қаттиқ ер қопламасига йиқилиб сирпаниб вужудга келган бўлиши мумкин, ушбу жароҳатлар оғир тан жароҳатлар белгилари мавжуд бўлиб, унинг ўлимининг сабаби билан бевосита боғлиқлиги, суд тиббий текширув вақтида марҳумнинг ички аъзоларида унинг ўлимига сабаб бўла оладиган ички касалликлар аниқланмади, марҳумнинг тана узунлиги 170 см. эканлиги кўрсатилган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКБнинг 2025 йил 25 августдаги 1236-сонли қарорида оид автотехник ҳисоблаш экспертизаси хулосасига кўра “Кобальт”



русумли, 01 Д 324 КС давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси Ххх, йўл ҳаракати қоидаларини 77-банди талабини бузганлиги оқибатида йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги кўрсатилган.

Судланган Хххнинг кассация шикоятда, айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, воқеадан сўнг жабрланувчини дарҳол шифохонага олиб бориб, унга тез тиббий ёрдам кўрсатганлиги, жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган барча моддий ва маънавий зарарлар қоплаб берилганлиги ва унинг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ҳақида важлар келтириб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси З.Ибрагимовнинг маърузасини, прокурор Р.Холмуродовнинг шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланган Хххнинг унинг ҳимоячиси – адвокат А.Аширбаевнинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган Хххнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек жиноят ишидаги ИИБнинг 102-рақамига келиб тушган мурожаат, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, схема ва фотожадвал, тиббий маълумотнома, судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосаси, судга оид автотехник экспертизаси хулосалари ва сўроқ баённомалари каби объектив далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан Хххнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятда келтирилган важлар билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда



индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса қонуний деб, ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса асосли деб, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Биринчи босқич суди Хххга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда юқорида кўрсатилган Олий суди Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахсини, ёшини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланган тарафнинг даъвоси йўқлигини, шунингдек йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузиб жиноят содир этганлигини, жиноят эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлса-да, лекин жиноят оқибатида одам вафот этганлигини эътиборга олиб, унга содир этган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида қонуний, асосли ва адолатли хулосага келган.

Судлов ҳайъати, шикоятдаги важлар суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўл олмаслиги сабабли суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹ ва 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги судланган **Shomurodov Ozodbek Qudrat** га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

З.Ибрагимов

Ҳайъат судьялари:

О.Набиев

Ҳ.Ярашов

